

---

Хушхабарлар давом этади: ўтган йилги "Ёш китобхон оила" танловининг Республика босқичи ғолиби, Ниёзматовлар оиласи вакили жорий йилда "Ёш китобхон" танлови якуний босқичида ҳам ўзини синаб кўради!

Аввалроқ хабар берганимиздек, кеча ва бугун Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилояти ахборот-кутубхона марказида "Ёш китобхон" Республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Қизғин баҳслар билан кечган танлов, уч тоифа ёш доирасида иштирокчиларнинг китоб мутолаасини қанчалик ўзлаштирганликларини синовдан ўтказди.

Яна бир қувончли томони, танловнинг бугун ташкилланган вилоят босқичи 20-30 ёш тоифасида ҳам Ўзбекистон туманилик зиёкор китобхон Абдуллажон Ниёзматов ғолиб бўлди ва республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Абдуллажон Ниёзматов ўз турмуш ўртоғи билан ўтган 2021 йилги "Ёш китобхон оила" танловининг Республика босқичи ғолиби сифатида тан олинган ва Президентнинг яна бир "Спарк" соврини соҳибига айланган тумандошимиз эканлигидан кўпчилик бохабар.

Шундай қилиб, "Ёш китобхон оила" танловининг Республика якуний босқичида вилоятимиз шарафини 2 нафар Ўзбекистон туманилик зукко китобхонлар ҳимоя қиладиган бўлишди.

????????? ?????? ????????

2022-02-07 23:08:59